

Стом Анвар

Фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизматларини кўрсатиш тўғрисида

56 -сонли ШАРТНОМА

2022 йил «05» январ

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси (келгусида “Бошқарма” деб аталувчи) номидан Бош бошқарма бошлиғи А.А.Ташпулатов, Низом асосида фаолият юритувчи бир томонидан ва Тошкент давлат стоматологик институти ректори Хайдаров Н.К. (келгуси Томонлар деб аталади) ушбу шартномани қуйдагилар хақида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома бўйича “Буюртмачи” нинг топшириғи билан “Бошқарма” ўз зиммасига профилактика инспекторларини ажратган холда (қуйдаги ходимлар деб аталади) жамият худудида ва унинг атрофида доимий тартиб ўрнатиш, қонун бузилиши, жиноят содир бўлиши ҳолларини олдини олиш ҳамда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

1.2. “Буюртмачи” эса ушбу шартнома шартларига асосан кўрсатилган хизмат учун тўловлар ўз вақтида тўланишини таъминлайди.

2. ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи” ўзини ички молиявий имконияти ва ўзига хос хусусияти, яъни жамиятнинг харажатлар сметасини келиб чиқиб, Кузатув кенгашининг қарори билан профилактика инспектори ажратиш хақида “Бошқарма” билан келишади.

2.2. Объект муҳандислик-техник ва хавфсизлик тизимлари билан “Буюртмачи” томонидан жихозланади.

2.3. “Бошқарма” “Буюртмачи” га ушбу шартнома шартларини бажариш учун 1 (бир) нафар ходим ажратади.

2.4 Ушбу шартнома “БУЮРТМАЧИ” ҳамда “БОШҚАРМА” томонидан тасдиқланганидан сўнг юридик кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабрь кунга қадар амал қилади.

3. ХИСОБ ҚИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ўзаро келишилган нарх асосида “Буюртмачи” ва “Бошқарма” томонидан тасдиқланган ва ушбу шартномани ажралмас қисми бўлган Тошкент шаҳар ИИББ билан келишилган холда ягона смета тузилиб, унга мувофиқ белгиланган ойма ой тенг қисмларга бўлиб “Бошқарма”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

3.2. Шартноманинг ажралмас қисми бўлган смета “Буюртмачи” билан келишгандан сўнг тасдиқланади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматлар учун тўлов Буюртмачи томонидан Бошқарманинг ҳисоб рақамига ушбу Шартномада назарда тутилган ойлик тўловнинг 100 фоизини кейинги ойнинг 5 санасигача ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Кўрсатилган хизматлар учун тўловларнинг _____ қисми бюджет маблағлари ҳисобидан, қолган 100% қисми бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3.4. Жамият “Бошқарма” ва “Буюртмачи” ўртасида ойма-ой ўзаро хақиқий ишлаганходимлар сонига, фақатгина “ходим”нинг бетоблик, ўқиш ва меҳнат таътили даврларни инобатга олган тарзда, счет-фактура расмийлаштирилган холда тўловни амалга оширади.

3.5 Хукумат қарорларига асосан энг кам иш хақи ўзгарган тақдирда, тузилган ягона смета қайта кўриб чиқилади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. “Бошқарма”нинг мажбуриятлари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатдан янги тизимни жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-3528 қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг амалдаги “Ички ишлар идоралари ходимлари учун бозор ва савдо марказлари худудида

